Аҳолининг бўш пул маблағларини кредит ташкилотларининг депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш чоралари кўриляётгани, қўлай омонат турлари тақлиф этиляётгани, фуқароларнинг банклардаги жамағармалари қонун билан қафолатлангани натижасида омонатлар миқдори 2009 йилдан давлатлар 52,6 фоизга ошди. Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ҳажми 34,8 фоизга кўпайди. Банкларнинг умумий кредит портфелида узок мuddатли, яъни 3 йилдан ортқича мuddатга берилган инвестиция кредитларининг уллушиси 2000 йилнинг охиридаги 35 фоиздан 2010 йилнинг охирида 75,2 фоизга ўсди.

Қайд этиш жоиз, 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 тижорат банки «Мудис», «Стандарт энд Пурс», «Фитч рейтингс» халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олган бўлса, 2011 йилга келиб халқаро рейтинг баҳосига эга тижорат банклари сонини 18 тага етди, шундан 15 тасининг «барқарор» рейтинг баҳоси қайта тасдиқланди ва қўшимча 3 та банкка янгидан рейтинг баҳоси берилди.

Айни пайтда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Асака банк», «Ўзсаноатқурлиббанк» ва «Агробанк» 2 тадан етакчи рейтинг агентликларининг баҳосига эга. Яна 6 та тижорат банки рейтинг агентликлари билан ўз фаолиятини баҳолаштириш бўйича келишувларга эга ва рейтинг баҳосини олиш ишлари ташкил қилинган.

Халқаро ташкилот мутахассислари яқин келажакда Ўзбекистон банклари ликвидлигига ҳеч қандай ҳавф қўтилмаётганлигини, халқаро молия бозорларидаги ўзгаришлар мамлакатимиз банклари ликвидлигига салбий таъсир ўтказмаётганлигини таъкидламоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишни устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори билан мамлакатимиз банк-молия тизимини янада ривожлантириш бўйича аниқ тадбирлар белгилаиб, банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларни халқаро мезонлар асосида баҳолаш тизимини тақомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

(ЎЗА)

Концепция: Жамоатчилик назорати бу ҳақда қонун қабул қилиш зарурлиги

Эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ҳуқуқий давлат қуриш вазифаси фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари фаолияти устидан чинакам назорат олиб боришини тақозо этади. Ривожланган демократик давлатлар амалиёти шуни кўрсатадики, ҳақиқий жамоатчилик назоратининг мавжудлиги — фуқаролик жамиятининг ривожланганлик даражасини белгилайди ва унга ҳамоҳанг бўлади. Шу боис мамлакатимизда мазкур институт ривожига катта эътибор қаратилмоқда.

Президент Ислам Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да таъкидлаганидек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмининг яратилишига қаратилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонун қабул қилиш фўрсати етди».

Жамоатчилик назорати бу — сиёсий партиялар, турли жамоат бирлашмалари, кўнгилли ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари, фуқаролар, яъни жамоатчилик назорати субъектлари томонидан давлат органлари фаолиятида қонунийлик ва инсон ҳуқуқларини таъминлашга риоя этилиши устидан амалга

ошириладиган ижтимоий назоратдир.

Дарҳақиқат, давлат ўз органлари фаолияти юзасидан турли хил назорат олиб боради. Масалан, қонун чиқарувчи ҳокимият бўлимиш парламент ўзи чиқарган қонунлар ижро ҳокимияти томонидан қандай бажариляётганини назорат қилади. Парламент назорати қонунларнинг ижросини яхшилашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий воситадир.

Амалдаги қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган парламент сўрови институти ҳам ижро ҳокимияти тизимига кирувчи давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларидан муайян қонунларнинг ижроси бора-сида маълумотларни олиш, зарур ҳолларда уларни бевосита Олий Мажлиси палаталари ёки қўмиталарига чақириб, ҳисобот бериши шартлигини назарда тутди.

Таъкидлаш керакки, ижро этувчи ҳокимият тизимига кирувчи давлат бошқаруви орган-

лари фаолияти устидан жамоатчилик назорати зарур. Ижро ҳокимияти юзасидан давлат назоратига эътибор қаратилган бўлса, дастлаб бу йўналишда бошқа субъектлар билан ажраллиб туради. Бу хусусиятларга, дастлаб унинг асосий функциял вазифаси қонунлар ижросини ташкил этиш ва таъминлаш экани, шу боис ижро ҳокимияти фаолияти қонун ости харақтерда экани билан тавсифланади; ижро ҳокимияти ўзининг таркибий тузилиши ва тизими билан ҳам бошқаларидан фарқланади. У ўз ичига давлат бошқаруви органларининг ақсарият қисминини олади; унинг таркибига кирадиган марказий идораларнинг фаолияти халқнинг кундалик турмуш эҳтиёжларини қондириш, ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ экани бу ҳокимият тармоғи фаолиятида қонунийлиги ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш масаласига алоҳида долзарблик ҳасил этади.

Бундан ташқари, асримизнинг муҳим бир хусусияти — ижтимоий муносабатларнинг тобора мураккаблашуви, қўйилмаган воқеа-ҳодисалар рўй бериб қолиши (табiiий, техноген сабаблар) давлатдан бу воқеа-ҳодисаларга тезкор чоралар кўришни ва қарор қабул қилишни талаб этади. Шунга боғлиқ ҳолда ижро ҳокимияти бошқа ҳокимият тармоқларига қараганда тезлик билан ҳаракат

қила олади. Бу жиҳат ҳам ижро ҳокимиятининг жамиятда тутган ўрнини маълум даражада тавсифлайди. Дарҳақиқат, кўппартиявийлик асосида шаклланган парламент жамиятнинг турли сиёсий партиялари ва қатламлари манфаатини ўзида мужассам этган бўлиб, Президентимиз таъкидлаганидек, депутатлар корпуси, сиёсий партиялар ва подавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларининг жамиятда обрў-эътибори ортиб бориши, мактеби мустаҳкамлаши билан, улар давлат ва ҳокимият тўзимларини фаолият устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланади.

Шундай қилиб, бугунги жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни ислоҳ этиш, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш, унинг институтиларини кучайтириш шароитида давлат органлари фаолиятини яхшилаш, самарадорлигини ошириш масаласи алоҳида долзарблик касб этади. Давлат назорати билан бирга, жамоатчилик назоратини кучайтириш — давлат органлари фаолиятида қонунийлигини таъминлашнинг ишончли механизми сифатида майдонга чиқади.

Мавлуда АХМЕДШАЕВА,
Тошкент давлат юридик институти доценти.

Истиқлол имкониятлари

Жаннатмакон Самарқанд...



Шу кунларда Самарқандга таъриф буюрган киши ҳайрат ва ҳавас оғушида қолади. Зар сочувчи воҳа деб ном олган кўҳна замин бугун кўрку жамолини бутун борлигича намойиш этмоқда. Мустақиллик йилларида янгича қиёфага кирган кенг ва рабон, кечаю кундуз яшнаб турувчи кўчалар, бири-биридан гўзал иншоотлар, кўркам боғ-роғлар кишига завқ-шавқ, фахр ва гурур бағишлайди. Самарқанд халқимиз мисли кўрилмаган бунёдкорликка қодир эканини амалда намойиш қилаётди. Остонасида қадам қўйишингиз билан турфа рангларда жилоланаётган, Мустақиллик байрами ва «Шарқ тароналари» VIII халқаро мусиқа фестивалига катта тайёргарлик кўраётган шаҳар кўз ўнгингизда жаннатий жозибасини кўз-кўз этади.

Бугун Самарқанд Ватанимиз қурагани, орзу-ҳаваслари ва шаъни-шарафи тимсолидир.

Шарафга муносиб шаҳар

Биласиз, Самарқанд «Ер юзининг сайқали», «Авлиёлар юрти», «Шарқ гавҳари» дея эъзозланган. Утган ҳар бир аллома унинг шаънига муносиб сўз айтган. «Самарқанд мен ўйлагандан ҳам чиройли экан», деб барча ҳавас қилган бўлса, XII асрда яшаган аллома Абдул Ҳаким Самарқандий бу табаррук ўлкани «Оллоҳ яратган», «Худонинг ўзи асраган», «Дар-возаларининг ҳар бирида беш мингтадан фаришта бўлиб, қанотларини кенг ёзган ҳолда, шаҳар аҳлини ёмон кўзлардан асраб туради», дейди.

«Соҳибқирони аъзам мамлакатига пойтахт қилган, Европада доврўқ қозонган Шарқнинг дастлабки шаҳарларидан, — деб ёзади машҳур немис олимаси Аннемарие Шиммель ва давом этади.

Масжид, қаср ва сарой, Сехру синоатга бой, Кўнглимни айладинг банд, Жаннатмакон Самарқанд!»

Немисларнинг буюк шоири Иоганн Гёте ҳам «Ғарбу Шарқ девони»да «Сенга Темир тенгсиз салтанат қудратини айлади ато», деб Самарқандни қайта-қайта улуғлаган.

Аслида ҳам дунё тамаддунида Самарқанднинг ўрни бекиёс. Бу кўҳна заминдан таралган маърифат нури, мана, неча асрли, башариятни ўз зиёсидан баҳраманд этиб келади. Шаҳардаги бетакрор тарихий обидалар, бебаҳо маданий мерос доим маърифат аҳлининг эътиборида.

Едгорликларни сақлаш ва улардан фойдаланиш давлат назорати берган маълумотга қараганда, вилоят ҳудудидаги 2,5 мингта тарихий, маданий ҳамда меъморий ёдгорлик ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатида кирган. Унинг 720 таси қадимий шаҳарда жойлашган.

Ўзбекистон маданияти тарихи, Ўлкашунлиқ, Мирзо Улуғбек ва Афросиёб музейларида шонли ўтмишимизга доир ноҳиди экспонатлар сақланган.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд, Бухоро ва Хива каби қадимий шаҳарлар тарихий салоҳияти орқали Ватанимиз кечмишини, аждодларимиз бунёдкорлиги, халқимиз оруз-интилиши ва яратувчанлик даҳосини дунёга кўрсатишга бежиз эътибор қаратмайди. Бу қадим шаҳарлар, уларнинг шону шавкати ва мумтоз обидалари бизнинг кишилик жамиятидаги ўрнини белгилайди, халқимиз нечоғли оққўнғил ва бунёдкор эканини ўзида намойиш этади.

Анъаналар этади давом

Юртбошимизнинг Шохи Зинда мажмуасини қайта таъмирлаш тўғрисидаги қароридан сўнг фақат бу қадамда эмас, балки ўзга жойларда ҳам тарихий обидаларни таъмирлаш, ёдгорлик атрофини обод этиш, зиёрат қилувчилар учун қулай шaroит яратиш кенг қўлама бошланди. Шаҳарсозлик талаблари асосида кўчалар кенгайтирилди, пиёдалар учун йўллар қилинди. Амалга оширилган ишлар шаҳарга файзу тароват бағишлаб қолмай, аҳоли ҳаётига юксак маданият олиб кирди.

Имом Бухорийнинг 1125 йиллиги муносабати билан ўз вақтида қаровсиз қолган қадамжо ўрнида замонавий зиёратгоҳ — мухташам ансамбль барпо этилди. Худди шунингдек, Имом Мотурудийнинг 1130 йиллиги арафасида Чокардиза қабристонини обод этилиб, ҳазратнинг зиёратгоҳи бунёд этилди ва кўркам мажмуа шаҳарга файз киритди.

Буюк Соҳибқирон Амир Темир таваллудининг 660 йиллиги Самарқанд ҳаётида яна бир ёрқин саҳифа очди. Уша қувончли кунларда Рухобод майдонида Соҳибқирони аъзамнинг муаззам ҳайкали

қад ростлади. Унда Амир Темир тахт соҳиби сифатида намойиш бўлади, сиймосида эса фавқуллода буюк ақл-заковати, мислсиз жасорати ва ғайрат-шижоати қуйма ҳолида ифода этилган. Самарқанд унинг пойтахти бўлган. Шу маънода, Соҳибқироннинг қилич сопиға қўлини қўйиб, тахтда вазмин ўтириши чуқур мазмун англатади. Худди сизга: «Мен нима қилган бўлсам, халқим, Ватаним учун қилдим!» — деяётгандек бўлиб туюлади...

Ҳайкалтарош Илҳом Жабборовнинг хикоя қилишича, давлатимиз раҳбари ҳайкални ишлаш жараёнида уни бойитувчи кўндан-кўп қимматли маслаҳатлар берган. Жумладан, «биз у кишининг маслаҳати билан Соҳибқироннинг қўлларини бир-бирига қўйиб турган ҳолатини ўзгартириб, бармоғидаги узугини бўрттириб кўрсатдик, — дейди ҳайкалтарош. — Чунки Президентимиз «Бу узук ва унинг кўзидаги хитоб Амир Темир дунёга машҳур қилган. Унда Соҳибқироннинг ҳаётий эътиқоди ёрқин акс этган», деб уқиди...

Самарқандга улуғлик бағишлаган ҳар бир обида, ҳар бир ўзгариш мана шундай маъно ва мазмун уйғунлигига эга, у тинимсиз илғаниш маҳсулидир.

Франциялик маърифатпарвар шоир Волтер: «Улуғбек Самарқандда биринчи академияга асос солган», — деб ёзади. У Байтул хикма — Хикмат уйини кўзда тутди. Тўғри, бунгача ҳам Гурганч ва Бағдодда академия мавжуд бўлган. Аммо англиялик тадқиқотчи Хилда Хукхемнинг ёзишича, XV асрда, Темирлийлар Уйғониш даврида Самарқанд дунёнинг йирик илмий-маърифий маркази сифатида жуда машҳур бўлган, Британияда қиролликнинг биринчи мунажжми иш бошлаганида, Мирзо Улуғбекнинг «Зижи Кўрагоний» асарига таяниб, астрологик тадқиқот олиб борган.

Самарқандда қад ростлаган алломанинг янги ҳайкалида ана шу улуғлики кўриш мумкин. Унга кўзингиз тушганида ҳазрат Навоийнинг: «Ки олам кўрмади султон анингдек», — деган таърифи ҳаёдан ўтади.

Ҳозир алломанинг кўп умри ўтган бу жойлар жуда обод бўлган. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан Улуғбек обсерваторияси тубдан қайта таъмирланди, аллома музейи эса тарихий кўриниши сақланган ҳолда, қайта қурилди. Зиёратчилар тин олиши учун хос мажмуа барпо этилди. Бу маскан Катта Ўзбек магистрлига ёндош бўлгани учун Самарқанд ноҳияси кўз-кўз қилувчи замонавий павильон, савдо-тижорат мажмуи ва сўлим чойхоналар бунёд этилди.

Самарқанднинг 2750 йиллиги арафасида қадимий шаҳар чинакамга бунёдкорлик майдонига айланган. Регистонда барпо этилган Йўлбарслар хиёбонидан Суғдиёнадаги янги расадхонага қадар барча кўча ва йўллар ҳавас қиларли даражада ўзгарди. Рухобод хиёбони қадимий жозибасини тиклади. Кошона деса аргуйлик кўркам иморатлар қурилди. Бугун сайёҳлар тарихий обидаларимиз билан бирга, янги шаҳардаги орасталлик ва ҳашаматга ҳам маълиб бўлмоқда.

Бир вақтлар Соҳибқирон Амир Темир Самарқандда бунёд этган ишларни қўриб, Испания элчиси Руи Клавихо хайратга тушган: «Қарийб йигирма кун ичида шундай улуғвор ишлар амалга оширилдики, чиндан ҳам бу ҳайратомўзидир», — деган эди. Бугун қадим шаҳарга янгича қўришни, кўр ва жозоба бағишлаган ям-яшил, ҳаволи кўчаларни, обод хиёбон ва майдонларни, кўркам иншоотларни, қурилиш шиддатини қўриб, беихтиёр Клавихонинг ўша таърифи ҳаёлингиздан ўтади.



2011 йилнинг олти ойида вилоят иқтисодийта барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, ялпи ҳудудий маҳсулот 14,0 фоизга ошди. Ишлаб чиқариш ҳажмида 9,4, қурилиш-пудрат ишларида 43,6 фоизга кўпайди. Шунингдек, чакана савдо айланмаси 14,1, жами хизмат 14,2 ва пуллик хизмат кўрсатиш эса 13,4 фоизга ўсди.

Зўр қарвон йўлида...

Улуғ қарвонга муносиб бўлиш, она заминни обод этиш бугун самарқандликларнинг қалб даъватига айланган. Фикримнинг исботи учун айрим рақамларни келтириб ўтай.

Саноатнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 13,5 фоизга ошди. Натижада аҳоли ҳар бешта истеъмол моллари ишлаб чиқариш 202,5 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 38,4 минг сўмга кўпайди.

Ҳудудий қорхоналар томонидан 31,1 миллион АҚШ доллари миқдорда экспорт амалга оширилиб, 1,2 фоиз ўсиш билан инвестициялар ҳажми 10,6 фоизга ўсиб, 525,9 миллион сўмни ташкил этди. Умумий инвестицияларнинг 52,3 фоизга Бевоқисат ишлаб чиқаришга йўналтирилди.

Кичик бизнесга берилган солиқ имтиёзлари ва преференциялар туфайли ялпи ҳудудий маҳсулот таркибиде хусусий тармоқнинг улуши 68,2 фоизни ташкил этди.

Кишлоқ жойларда 75 та чакана савдо, 16 та умумий оватланиш, 63 та маиший хизмат объектлари ишга туширилди. Бу эса ялпи ҳудудий маҳсулотда хизматлар соҳаси салмоғини 52,9 фоизга етказиш имконини берди.

Бандлик дастури ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 49 минг 355 та янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг 40,7 миңдан ортиғи кишлоқ жойларга тўғри келади.

2011 йилнинг 1 июль ҳолатига аҳоли даромади ҳар бир кишига ўртача 412,5 минг сўмни ташкил этди.

Яшараётган Пастдарғом

Бунёдкорлик ишларининг режали, оқилона амалга ошириляётгани вилоятда кўча ва иншоотлар кўркамлигини, қурилишнинг изчиллигини таъминламоқда.

Мисол учун, 2010 йили Президентимиз тавсиясига кўра, Пастдарғом туманини ривожлантиришнинг қисқа муддатли дастури ишлаб чиқилди.



Тошкентдан ҳам лойиҳачилар, пудратчилар ва мутахассислар жалб этилди. Туман ҳокимлиги бу хайрли ишга ишбилармонлар билан бирга, барча аҳолини жалб этишга муваффақ бўлди.

Натижада кейинги бир ярим йил ичида биргина Жума шаҳрида 2,5 миллиард сўмлик қурилиш ва ободончилик ишлари бажарилди. Шаҳар ҳавас қилса арзийдиган даражада чирой очди. Беш гектарлик «Ешлар боғи» яратилди. Ҳозир у эрталабдан кечгача одамлар билан гажув, аҳолининг сеvimли сайроғига айланган. Боғ ёнида ёзги ва қишки спорт мажмуалари барпо этилди.

Амир Темир, Ҳамид Олимжон, ва Султон ўрдадаш номи кўчалар бутунлай қайта қурилди. Бир ярим йил ичида 30 та янги иморат қад кўтарди. 178 та бино тубдан қайта таъмирланди. Маиший хизмат ва савдо мажмуаси, диагностика маркази, 20 дан ортиқ қўш қаватли супермаркет ишга туширилди. Шаҳарнинг ҳар бир қонадонига тоза ичимлик суви қириб борди. Кўчаларнинг икки томонида пиёдалар учун йўллар қурилди, ариқлар ёқасига аниқ гуллар, манзарали дарахтар экилди.

— Давлатимизнинг бу эътибори кишиларимизга куч бағишлади, — дейди туман ҳокими Абдумўмин Жураев. — Масалан, туман ҳудудидаги ички йўллари таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан 300 миллион сўм ажратилди. Ишбилармонлар ва аҳоли жонбозлиги билан шаҳар кўчаларида бир миллиард сўмлик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Мулла мирза маҳалласида қарийб 600 миллион сўмлик замонавий автосхоҳбекат, 4 миллиард сўмлик дехқон бозори барпо этилди. Насиб этса, байрам кунлари шу маҳалла ҳудудида лойиҳа қиймати 4,5 миллиард сўм бўлган савдо мажмуаси фойдаланишга топширилади.

Туманинг ҳар бир кишлоқда байрам шарафига бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. «Намуна» ҚФЙ ҳудудида қурилган янги газ тақсимлаш станцияси орқали 10 та кишлоққа табиий газ етказиб бериш яшилди. «Димишқиболо» ҚФЙ учун янги қаб қурилди. Жума станциясидан қичувчи 40 километр узунлиқдаги

электр тармоғи таъмирланди, пудратчилар ва мутахассислар жалб этилди. Туман ҳокимлиги бу хайрли ишга ишбилармонлар билан бирга, барча аҳолини жалб этишга муваффақ бўлди.

Бундан олти аср муқаддам Кониғилда ипақдан энг олий навли қоғоз ишлаб чиқарилган. Бу жараён заковатли тадбиркорлар томонидан қайта тикланди.

Халқимизнинг буюк бахисис Эргаш Жуманбулбул ўғлининг айтимлари «Қўрғон мактаби» номи билан ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан ўрин олди.

«Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари бу йил олмас кишлоқларга ҳам чиқди. Кишиларимиз билан мулоқот қилди. Бу маданий ҳаётга жўшқинлик бахш этади, албатта. Улар тақир ерда томчилаб сўғориш усулида барпо этилган ўйлаб болғарни кўрса, кишиларимизнинг яратувчанлик салоҳиятига тан беришди. Қойил қолишди.

Бугун Самарқанд чет тиллар институти қошида малакали таржима мактаби шаклланди. Олимлар ва талабалар ўзбек адблари асарларини ўнга яқин хорижий тилга таржима қилмоқда. Бу ерда йўлбошловчи ва тилмочларнинг заковатли, илғор авлоди қамол топмоқда.

Ҳар бир туман ва шаҳарда Мустақиллик байрами шарафига 20 тадан иншоот фойдаланишга топширилади. Уч жойда пахтани қайта ишлайдиган енгил саноат қорхонаси қуриляётир...

Бундай янгилликларни яна давом эттириш мумкин. Чунки Мустақиллик ана шу бунёдкорликка имкон яратди. Чунки воҳанинг танти ва меҳнаткаш аҳли яратувчанликка қодир. Шоир айтганидек:

Хизир назар солган,
дуо кетган юрт,
Кўшиққа айланур
ҳар азоб, ҳар дард.
Шу юрт деб яшасанг,
ўлсанг арзийди,
Икки дунёда ҳам битта
Самарқанд!

Фармон ТОШЕВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.

йили нуфузли халқаро олимпиада ва танловларда, спорт мусобақаларида ютиб чиқмоқда. Уч нафар қизимиз эса Зулфия номидаги Давлат мукофотиға сазовор бўлди.

ЎзХДП аъзоси, «Стеклопластик» қорхонаси раҳбари, та оила намунавий лойиҳа асосида қурилган янги уйларида ҳовли тўйи ўтказди. Бу йил вилоят бўйича 695 та ана шундай замонавий уй-жой қурилмоқда. Энг муҳими, бу уйлари талаб ошиб бормоқда.

Олиқ кишлоқларни тоза ичимлик суви билан таъминлаш яхшилаш дастурига асосан 20 га яқин сув иншооти барпо этилди. Жомбойда ҳам туман марказини қайта қуриш дастури амалга оширилмоқда.

Фидойилик

Мамлакатни янада демократлаштиришга қаратилган ислохотлар туфайли жамиятда ўзига хос жўшқинлик юзага келди. Аниқ айтадиган бўлсак, фуқаролар сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар, маҳалла ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали жамиятнинг бошқарилишида иштирок этадиган. Ижтимоий ҳаётнинг барча жаҳасида қайноқлик кўзга ташланаётир.

Масалан, Халқ демократик партияси вилоят ташкилоти мутасадди идоралар билан бирга, коллеж ўқувчилари ўртасида «Ўз бевнесингни бошла» деган ҳаракатга куч бермоқда. Бошқа сиёсий партиялар ҳам бу хайрли ишга ҳисса қўшмоқда. Натижада коллеж битирувчилари учун семинар ва ўқувлар, бўш иш ўринлари ярмаркалари ташкил этилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида 30 марта бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилган, юздан зиёд қорхонада амалиёт ўтаётган ёшлар ўз тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган битирувчилар учун бир миллиард сўмлик кредитлар ажратилган фикримизнинг тасдиғидир.

Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда олий ўқув юртлири профессорлари, ўз қабсининг усталари, депутатлар машғулот ўтишлари йигит-қизлар ҳар томонлама тарбия топишида маърифий аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли мазкур таълим тизимида тахсил олаётган ёшлар ҳар

Улуғ аждодларга муносиб ишлар...

Шуниси қувончлики, воҳанинг ҳар бир куни ташаббус ва янгилликлар билан тўла. Уларнинг муҳимларини қайд этгим келади. Улуғбек расад-

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!



Ришод Собиров — икки карра жаҳон чемпиони, дунёнинг энг кучли дзюдочиси!

Франция пойтахти Парижда дзюдо бўйича ўтказилаётган XXIX жаҳон чемпионатида Ришод Собиров (60 кг) ўз вазн тоифасида олтин медални кўлга киритди. Бундан роппа-роса олтинми йил муқаддам, аниқроғи, 1951 йил 22 августда Халқаро дзюдо федерациясига асос солинган эди. Шу боис беллашувлар бошлангичидан бир кун аввал Париждаги Стаде де Берси саройида ана шу кутлуг сана тантана қилинди. Халқаро дзюдо федерациясининг навбатдаги конгресси байрам шодиёналарига уланиб кетди. Байрам тадбирига нафақат таниқли дзюдо усталари ва мутахассислари, балки афсонавий спорт юлдузлари ҳам тақдир этилди. Улар орасида теннисчи Илие Настаже, футболчилар Лотар Маттеус, Иван Цуркович, дзюдочилар Риоко Тани, гимнастикачи Надея Команечи, Иван Манининларнинг борлиги сўзимиз тасдиғидир.

Юбилей шодиёналари давомида йигирмадан зиёд номинациялар бўйича ғолиб ва совриндорлар ташкилотчилар томонидан муносиб тақдирланди. Кувонарлиси, улар орасида Ватанимиз спортчи ва мураббийлари ҳам бор. Пекин олимпиадаси совриндори, жаҳон чемпиони ва XVI Осиё ўйинлари ғолиби Ришод Собировнинг «Дунёнинг энг кучли дзюдочиси», яқма-яқма кураш бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг дзюдо бўлими бош мураббийи Андрей Штурбабиннинг эса «Дунёнинг энг яхши мураббийи» номинациялари ғолиби деб топилганликлари ҳар биримизнинг қалбимизни ғурур ва ифтихорга тўлдирди.

Энди жаҳон чемпионати тафсилотларига тўхталадиган бўлсак, мазкур нуфузли мусобақада сайёраимизнинг 136 давлатидан ташриф буюрган энг сара дзюдочилар қатнашмоқда. Беллашувларнинг дастлабки кунда аёллар ўртасида 48 килограмм, эркеклар баҳсида эса 60 ва 66 кг вазн тоифаларида кучлилар номи аниқланди. Шунинг алоҳида таъкидлаш кераки, дзюдо бўйича жаҳон чемпионатида илк марта табиқатда энг кўп спортчи ғолиблик учун тағамига чиқмоқда. Хамюртимиз қатнашган вазн тоифасида 76 нафар дзюдочининг беллашувларда иштирок этганлигининг ўзиниқ фикримиз тасдиғидир. Мохир спортчимиз Ришод Собиров ана шундай катта рақобатдан ғўчимасдан яна бир бор дунё ахлини лол қолдирганлиги эса таҳсинга лойиқ.

Дзюдо ватани Япония бўлгани учун аксарият йирик мусобақаларда кучлилар юрт вакилларининг номлари кучлилар қаторида тилга олинади. Ришод Собировнинг Париж майдонларидаги асосий рақиби ҳам айнан япониялик спортчи бўлди. Ярим финалгача барча рақиблирини доғда қолдирган хамюртимиз дастлаб финал йўлланмаси учун баҳсада япониялик Хирофуми Ямамотога қарши гиламга тушди. Кунчиқар юрт вакилини маҳорат билан доғда қолдирган Ришод Собировни финалда яна бир япониялик таниқли спортчи Хироаки Хироака кутиб турарди. Мухлисларга яхши маълум, Ришод Собировнинг эришган ютуғи байрамга муносиб совға бўлсин, ҳал қилувчи беллашувларда айнан шу жуфтлик бел олишмоқда. Этиборлиси, ҳозиргача кечган баҳсларнинг барчасида ўзбек ўғлини кучли эканлигини исботлаб келмоқда. Жумладан, 2010 йили Гуанчжоу (Хитой)да бўлиб ўтган Осиё ўйинлари, Токио (Япония)да ўтказилган жаҳон чемпионати финали айнан Собиров ва Хироака жуфтлигига аталганди. Уларнинг ҳар иккисидан ҳам моҳир дзюдочимиз галаба наъши-



Анвар ИЛЕСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

дасини сурган эди. Бу сафарга жаҳон чемпионатида ҳам ўз маҳоратини намойиш этган Ришод Собировнинг спортчини мағлубиятга учратиш, қаторасига иккинчи мартаба жаҳон чемпиони, деб эътироф этилди. Бутун Ўзбекистон халқи Мустиқлигимизнинг кутлуг йигирма йиллик тўйига катта ҳозирлик кўраётган палларда Ришод Собировнинг эришган ютуғи байрамга муносиб совға бўлсин, ҳал қилувчи беллашувларда айнан шу жуфтлик бел олишмоқда. Этиборлиси, ҳозиргача кечган баҳсларнинг барчасида ўзбек ўғлини кучли эканлигини исботлаб келмоқда. Жумладан, 2010 йили Гуанчжоу (Хитой)да бўлиб ўтган Осиё ўйинлари, Токио (Япония)да ўтказилган жаҳон чемпионати финали айнан Собиров ва Хироака жуфтлигига аталганди. Уларнинг ҳар иккисидан ҳам моҳир дзюдочимиз галаба наъши-

дасини сурган эди. Бу сафарга жаҳон чемпионатида ҳам ўз маҳоратини намойиш этган Ришод Собировнинг спортчини мағлубиятга учратиш, қаторасига иккинчи мартаба жаҳон чемпиони, деб эътироф этилди. Бутун Ўзбекистон халқи Мустиқлигимизнинг кутлуг йигирма йиллик тўйига катта ҳозирлик кўраётган палларда Ришод Собировнинг эришган ютуғи байрамга муносиб совға бўлсин, ҳал қилувчи беллашувларда айнан шу жуфтлик бел олишмоқда. Этиборлиси, ҳозиргача кечган баҳсларнинг барчасида ўзбек ўғлини кучли эканлигини исботлаб келмоқда. Жумладан, 2010 йили Гуанчжоу (Хитой)да бўлиб ўтган Осиё ўйинлари, Токио (Япония)да ўтказилган жаҳон чемпионати финали айнан Собиров ва Хироака жуфтлигига аталганди. Уларнинг ҳар иккисидан ҳам моҳир дзюдочимиз галаба наъши-

«Шарқ тароналари» VIII халқаро мусиқа фестивали

иштирокчилари юртимизга ташриф буюрмоқда



Мария Гунаре, Болтикбўйи Халқаро академияси профессори:

— Мен туризм соҳаси бўйича дарс бераман. Унда йўналиш сифатида меҳмонхона бизнесини чуқурроқ ўрганганман. «Шарқ тароналари» фестивали доирасида айнан шу мавзуда маъруза қилишни мўлжаллаётганман. Унда Ўзбекистонда янги туристик йўналишларни яратиб борасида фикр алмашамиз.

Ўзбекистон доимо туристларнинг эътиборини қозониб келган давлат ҳисобланади. Юртингизнинг туристик салоҳияти анча юқори. Келадиган меҳмонлар учун яратилган қулайликлар, меҳмонхоналар ҳам юқори даражада. Мен Ўзбекистон ҳақида жуда кўп эшитганман, ўқиганман. Ҳар доим туристлар эътиборини қозонадиган шаҳарларнингиз бўлмиш Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хивани зиёрат қилишни ният қилардим. Фестиваль доирасида Тошкент ва Самарқандни кўриш насиб этади. Бухоро ва Хивани айланишга алоҳида келаман.

«Шарқ тароналари» фестивали бу йил VIII мартаба ўтказилаётган экан. Мени бу ерга тақдир этишганидан сўнг интернет тармоғи орқали фестивал ҳақида маълумот тўпладим ва шунга амин бўлдимки, фестивалнинг савияси анча юқори. Яна бир аҳамиятли томони шундаки,

«Шарқ тароналари»да нафақат хонанда ва созандалар, балки олимлар ҳам иштирок этишади. Ишонаманки, бу йилги фестивал ва унинг доирасида бўладиган илмий конференция ҳам юксак савияда ўтади.



Алиага Садиев, Озарбойжон:

— Бизнинг «Хары Бюль-бюль» мақом гуруҳи 2000 йилда ташкил этилган. Мен гуруҳнинг бадиий раҳбариман. Яққохимиз эса Озарбойжон халқ артисти Назакет Теймурова. Мен Назакетни анчадан бери биламан. Жуда ҳам истеъдоли. Уни том маънодаги санъаткор дейишимиз мумкин. 1996 йилдан бери у Миллий театрда «Лайли ва Мажнун» спектаклида Лайли ролини муваффақиятли ижро этиб келяпти. Назакет Теймурова 2003 йилда «Шарқ тароналари»да иштирок этиши керак эди. Ушундан баъзи бир сабабларга кўра бу иш амалга ошмаганди.

2009 йилда бизнинг гуруҳимиз «Шарқ тароналари»да 1-ўринни эгаллаганди. У пайтда солистимиз бошқа эди. Бу сафар Назакет билан ташриф буюрдик. Айтишим мумкинки, биз бу йилги фестивалга олдингидан-да кучлироқ тайёргарлик кўрдик. Ҳамма ўз ишига масъулия билан ёндашган ҳолда ишлади. Умид қиламан, бу

сафар Гран Прини кўлга киритамиз.



Элвира Эрлеца, продюссер:

— Мен «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалига Латвия ва Литва давлатлари делегацияси раҳбари сифатида ташриф буюрдим. Ўзбекистонга илк марта бундан уч йил олдин Style.uz ҳафталиги доирасида келган эдим. Ушунда бу ерлик инсонлар билан илқ муносабат ўрнатдим. Натияжада улар мени 2009 йилги «Шарқ тароналари» фестивалига тақдир этишди. Унда Латвия мусиқа гуруҳини, бу йил эса Болтикбўйи давлатларининг бирданга иккита гуруҳини олиб келдим.

Ўтган галги иштирокимда «Шарқ тароналари» менда жуда катта таассурот қолдирган эди. Фестивалнинг руҳига умуман гап йўқ. Айниқса, танловнинг Самарқандда ўтказилган рамизи бўлмиш Регистон майдонида ўтказилиши унинг салоҳиятини янада оширади. Фестивалнинг очилиш маросими суний йўлдош орқали жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига узатилиши ҳам унга бўлган қизиқиш, эътибор нақадар юқори эканлигини аналатади.

«Ўзбекистон овози» муҳбири Темур АЪЗАМ сўхбатлашди.

Реклама ва эълонлар


«Бектемир чигитни линтерлаш» масъулияти чекланган жамияти жамоаси

Халқимизни мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллиги ва Рамазон ҳайити билан муборакбод этади. Шаҳар ва қишлоқларимиздаги бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари янада бардавом бўлсин!

Бободехқонларимиз бу йил ҳам пахта ҳосилидан улкан хирмонлар яратсин!





Реклама ва эълонлар



**Денов тиббиёт коллежи
жамоаси ва ўқувчи ёшлари**

*халқимизни энг улуғ,
энг азиз байрам — Ватанамиз
Мустақилликнинг 20 йиллиги билан қутлайди!*





**Тошкент архитектура
қурилиш институти жамоаси**




**Юртдошларимизни мамлакатимиз
истиқлолининг 20 йиллиги
байрами билан қизғин
табриклайди. Халқимизга
сўхат-саломатлик,
бахт-саодат ва
тинчлик-хотиржамлик
тилайди!**

**Юртимиз осмони мусаффо,
Мустақиллигимиз абаллий бўлсин!**




**Ўзбекистон - Германия
«Савдогар» акциядорлик-тижорат
банки жамоаси**

**халқимизни мамлакатимиз
мустақиллигининг йигирма йиллиги ва
Рамазон ҳайити муносабати билан қутлайди!**

*Юртимиздан тинчлик-хотиржамлик,
рўзгоримиздан тўқин-сочинлик,
қут-барака аримасин! Кичик бизнес
ва хусусий тадбиркорлик йиғида ўз
бизнесини йўлга қўйган банкитиз
тихондариининг ишлари бароридан
келсин!*

Истиқлол байрами муборак, азизлар!

Реклама ва эълонлар

«ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ТАЪМИНОТ САВДО»

давлат унитар корхонаси жамоаси

халқимизни

Истиқлол айёмининг
йигирма йиллиги ва
Рамазон ҳайати
билан қутлайди!

Хонадонингизга тинчлик-
хотиржамлик,
дастурхонингизга
қут-барака тилайди!

Қалбингизни қувонч ҳеч
қачон тарк этмасин!



20 YIL MUSTAQILLIK 1991-2011 KUNINI BILAN!

“Carlsberg Uzbekistan” kompaniyasi o‘zbekistonliklarni Mustaqillik kuni bilan tabriklaydi va hammaga quvonch, baxt, tinchlik va mamlakatimizga ravnaq tilaydi!



«АСАКА» банки (ОАЖ)

жамоаси

халқимизни ва
шаҳримиз
меҳмонларини

Мустақиллигимизнинг
20 йиллиги билан

муборакбод этади!

Юртимиз тинч,
Истиқлолимиз абадий бўлсин!



Реклама ва эълонлар



ОЧИҚ
АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ

ТУРОН БАНК

мамлакатимиз аҳлини энг улуг,
энг азиз айём —

**Истиқлол байрами билан
муборакбод этади!**

Юртдошларимиз ва тадбиркорлар банкнинг янги ташкил этилган Тошкент шаҳридаги Чилонзор ва Ҳамза филиалларида юқори сифатли банк хизматларидан фойдаланиши мумкин.

Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

www.turonbank.uz

Tel: +998 97 700 55 55



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ КЕНГАШИ САНАТОРИЙ-КУРОРТЛАР БОШҚАРМАСИ

Мамлакатимизнинг табиий ва шифобахш омилларга бой бўлган қуйидаги санаторий-курорт муассасаларида юртдошларимизни даволашни ва дам олишга чорлайди:

«Турон санаторийси» ОАЖ; «Чинобод санаторийси» ОАЖ; «Ботаника санаторийси» МЧЖ; «Бўстон санаторийси» МЧЖ; «Умид гулшани санаторийси» МЧЖ; «Оқтош санаторийси» МЧЖ; «Зомин санаторийси» МЧЖ; «Абу Али ибн Сино санаторийси» МЧЖ; «Ситораи Моҳи Хоса санаторийси» МЧЖ; «Қашқадарё соҳили санаторийси» МЧЖ; «Чортоқ санаторийси» МЧЖ; «Косонсой санаторийси» МЧЖ; «Чимён санаторийси» МЧЖ; «Хонқа санаторийси» МЧЖ ҳамда «Олтинсой санаторийси».

Замонавий даволаш-диагностика услулари ёрдамида қуйидаги касалликларга таъхис қўйилиши ҳамда самарали даволашни мумкин: юрак қон-томир тизими, асаб тизими, нафас олиш тизими, овқат ҳазм қилиш тизими ва ҳаракат-таянч тизими аъзолари касалликлари, шунингдек, гинекологик, андрологик ҳамда тери касалликлари.

Санаторийларимизда дам олишга

МАРҲАМАТ!

Хизматлар лицензияланган.



20 йил

Гулистон шаҳридаги
«РАНА»
ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ
қўшма корхонаси жамоаси
юртдошларимизни
Истиқлолнинг йигирма
йиллиги ва Рамазон ҳайити
муносабати билан
муборакбод этади!

Халқимизни, мамлакатимиз иқтисодий салоҳияти юксалишига ҳисса қўшаётган корхоналарнинг ишчи-хизматчиларини, муҳандис-техник ходимларини байрам билан табриклар эканмиз, уларнинг бундан кейинги бунёдкорлик ишларига зафарлар тилаймиз!

**БАЙРАМИНГИЗ
БИЛАН,
АЗИЗЛАР!**

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
20 YIL

«ЎЗВИНОСАНОАТ-ХОЛДИНГ»
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ

халқимизни Ватанимиз Мустақиллигининг
20 йиллиги билан табриклайди!

Сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаровонлик тилайди!

«OZVINOANOAT-XOLDING»
KOLDING KOMPANIYASI

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV

Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afhor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad
RAHIMOV

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45;
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55;
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56;
Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80;
Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 846

10895

nuxxada

bosildi.

t — Tijorat materiallari

Topshirish vaqti — 21.00

O'ZA yakuni — 00.20

Topshirilgan vaqti — 01.55

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633



1 2 3 4 5